
Футбол ва мини-футбол бўйича анъанавий ДХХ кубогининг саралаш босқичига старт берилди

Спортнинг мини-футбол ва футбол турларини уюшмаган ва айни пайтда ишсиз бўлган ёшлар ўртасида оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни эрта аниқлаш мақсадида Марғилон шаҳрида Давлат хавфсизлик хизмати кубоги мусобақаларига старт берилди.

Бугун шаҳардаги 29-умумтаълим мактабида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов, сектор раҳбарлари ҳамда тегишли ташкилот мутасаддилари иштирок этишиб, футбол жамоаларига ғолиблик сари боришлари учун омадлар тилашди.

Шундан сўнг илк беллашувларга старт берилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ДХХ кубогининг саралаш мусобақасида дастлаб, шаҳардаги 4 та сектор кесимида 56 та маҳалла ёшларидан ташкил топган жамоалар ҳудудларга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишади. Ғолиб жамоалар шаҳар, вилоят ва республика босқичларида иштирок этадилар.

2023-04-10 16:55:01